

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

48 Пахта толасини сотишнинг ички ва амалдаги нархлари ўртасидаги ижобий тафовутдан тушадиган маблағларнинг бир қисмини жамлаш ва улардан фермер хўжаликларининг фойдаланиши тартиби тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449-сон қарорини бажариш юзасидан, шунингдек давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси етиштираётган фермер хўжаликларини рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Пахта толасини сотишнинг ички ва амалдаги нархлари ўртасидаги ижобий тафовутдан тушадиган маблағларнинг бир қисмини жамлаш ва улардан фермер хўжаликлари фойдаланиши тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва «Ўзпахтасаноат» уюшмасининг пахта толасини сотишнинг ички ва амалдаги нархлари ўртасидаги ижобий тафовутдан тушадиган маблағларнинг бир қисмини (кейинги ўринларда ижобий тафовут деб аталади) жамлаш ва кейинчалик фермер хўжаликларига йўналтириш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармасининг махсус ҳисоб рақамини очиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

3. Қуйидагиларга:

«Ўзпахтасаноат» уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси раҳбарлари зиммасига — ижобий тафовут тўғри ҳисоблаб чиқилиши учун;

«Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари ва пахта тозалаш корхоналари раҳбарлари зиммасига — ижобий тафовут фермер хўжаликларига ўз вақтида тўланиши учун;

«Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзнефтьмаҳсулот» акциядорлик компанияси ва «Ўзагромашсервис» уюшмаси раҳбарлари зиммасига — фермер хўжаликларидан тушган ижобий тафовут маблағларининг тармоқ корхоналарининг

Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги қарзларини қоплашга мақсадли йўналтирилиши учун масъулият юклансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ой муддатда ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 4 февраль,
30-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 4 февралдаги 30-сон қарорига
ИЛОВА

**Пахта толасини сотишнинг ички ва амалдаги нархлари
ўртасидаги ижобий тафовутдан тушадиган маблағларнинг
бир қисмини жамлаш ва улардан фермер хўжалиқларининг
фойдаланиши тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

І. Умумий қоидалар

1. Мазкур низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ–1449-сон қарорига мувофиқ пахта толасини сотишнинг ички (сотиш бўйича харажатларни ҳисобга олган ҳолда) ва амалдаги нархлари ўртасидаги ижобий тафовутнинг (кейинги ўринларда ижобий тафовут деб аталади) 25 фоизини жамлаш ва улардан пахта хом ашёси етиштираётган фермер хўжалиқларининг фойдаланиши тартибини белгилайди.

2. Ижобий тафовут қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда аниқланади.

3. Ижобий тафовутнинг 25 фоизи миқдоридagi маблағларни жамлаш ва улардан мақсадли фойдаланиш учун хизмат кўрсатувчи банкда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармасига (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади), «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари ташкилотларига ва пахта тозалаш корхоналарига, «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компания-

си, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компанияси ва «Ўзагроماشсервис» уюшмаси ташкилотларига (кейинги ўринларда хизмат кўрсатувчи тармоқлар деб аталади), шунингдек фермер хўжаликларига 23226-сон махсус ҳисоб рақами очилади.

4. Очилган 23226-сон махсус ҳисоб рақамларига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 30 январда 615-сон тартиб рақами билан рўйхатдан ўтказилган Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисоб рақамларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқнома талаблари татбиқ этилмайди.

II. Ижобий тафовут суммасини жамлаш ва ундан фойдаланиш тартиби

5. «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси ҳосил олинган йилнинг 5 декабригача (2010 йил ҳосили бўйича 2011 йил 5 февралгача) ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича Жамғармага тайёрланган пахта хом ашёси ҳажмининг амалдаги қиймати тўғрисида ахборот тақдим этади.

6. «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари пахта толасини сотишдан маблағлар тушишига қараб бир иш куни мобайнида ижобий тафовут суммасининг 25 фоизини тўлов топшириғи билан Жамғарманинг 23226-сон махсус ҳисоб рақамига ўтказадилар.

7. Жамғарма томонидан ҳар ойда ойнинг 5-кунидан кечикмай 23226-махсус ҳисоб рақамида жамланган маблағлар ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича ижобий тафовут суммасини «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари бўйича тақсимлаш ҳисоб-китобига мувофиқ «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаларининг 23226-сон махсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

«Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари бир иш куни мобайнида ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича ижобий тафовут суммасини пахта тозалаш корхоналари бўйича тақсимлаш ҳисоб-китобига мувофиқ пахта тозалаш корхоналарининг 23226-сон махсус ҳисоб рақамига ўтказадилар.

Пахта тозалаш корхоналари уч иш куни мобайнида маблағларни ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ шакл бўйича ижобий тафовутни фермер хўжаликлари бўйича тақсимлаш ҳисоб-китобига мувофиқ фермер хўжаликларининг 23226-сон махсус ҳисоб рақамига ўтказадилар.

Янги ҳосил бўйича ижобий тафовутнинг жамланган маблағлари фермер хўжаликларига фақат ушбу Низомнинг 5-бандига мувофиқ «Ўзпахтасаноат» уюшмаси томонидан маълумотлар тақдим этилгандан кейин ушбу бандда белгиланган изчилликда юборилади.

8. Фермер хўжаликларининг 23226-сон махсус ҳисоб рақамига тушган маблағлар икки иш куни мобайнида тўлов талабларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан келишилган йўналишлар бўйича фермер

хўжаликларининг Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги, шунингдек етказиб берилган моддий-техника ресурслари ва хизмат кўрсатувчи тармоқлар ташкилотлари томонидан кўрсатилган хизматлар учун қарздорликни қоплаш учун мутаносиб равишда юборилади.

9. Фермер хўжаликларида Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдида, шунингдек хизмат кўрсатувчи тармоқларнинг ташкилотларидан қарздорлик мавжуд бўлмаган тақдирда маблағлардан моддий-техника ресурслари ва хизмат кўрсатувчи тармоқлар хизматларига олдиндан ҳақ тўлаш учун фойдаланилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фермер хўжаликлари ихтиёридаги ер участкалари ҳажмини янада мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 18 октябрдаги Ф-3512-сон Фармойишига мувофиқ мақбуллаштириш жараёнида тугатилган фермер хўжаликларига тегишли бўлган сумма тугатилган фермер хўжаликларининг мажбуриятларини қабул қилган фермер хўжаликларига йўналтирилади.

11. Хизмат кўрсатувчи тармоқлар ташкилотларининг 23226-сон махсус ҳисоб рақамига тушган маблағлар тўлов топшириқлари билан Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги қарздорликни қоплашга йўналтирилади.

Бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдида қарздорлик мавжуд бўлмаганда маблағлар тўлов топшириғи билан кейинчалик Давлат бюджетига ва бюджетдан ташқари жамғармаларга йўналтирилган ҳолда кредиторлик қарзларни, шу жумладан тизим ички кредиторлик қарзларини қоплашга йўналтирилади.

12. Об-ҳаво шароитлари ёки экинларнинг ҳолати билан боғлиқ агротехника тадбирларини ўтказиш зарур бўлган айрим ҳолларда фермер хўжаликлари маблағлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳам Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг биргаликдаги ёзма кўрсатмаларига мувофиқ хизмат кўрсатувчи тармоқлар ташкилотлари олдидаги қарздорликни қоплашга ёки олдиндан ҳақ тўлашга йўналтирилиши мумкин.

13. Ушбу Низом талабларига қатъий мувофиқ равишда тўловлар ва ҳисоб-китоблар амалга оширилиши учун шахсий жавобгарлик уларни амалга ошириш жараёнида қатнашаётган «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари, тижорат банклари филиаллари ва ташкилотларнинг раҳбарлари зиммасига юкланади.

14. Банкларнинг хизмат кўрсатувчи филиаллари томонидан маблағлар ўтишининг кунлик мониторинги амалга оширилади ва уларнинг марказий аппаратлари орқали Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига ва Жамғармага ахборот тақдим этилади.

15. Ушбу Низомга мувофиқ барча ҳисоб-китоблар тўғри амалга оширилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармасига ва Давлат солиқ қўмитасига юкланади.

Пахта толасини сотишнинг ички ва амалдаги нархлари ўртасидаги ижобий тафовутдан тушадиган маблағларнинг бир қисмини жамлаш ва улардан фермер хўжаликларининг фойдаланиши тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

201__ йил ҳосилидан тайёрланган пахта хом ашёсининг амалдаги қиймати тўғрисида АХБОРОТ

Т/р	Худудий акциядорлик бирлашмалари номи	Тайёрланган пахта хом ашёсининг умумий қиймати (млн сўм)	«Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмаси улуши (%)
1	2	3	4
	Жами:		
	Шу жумладан:		
1.	_____ ҲАБ		
2.	_____ ҲАБ		
3.	_____ ҲАБ		
4.	_____ ҲАБ		
5.	_____ ҲАБ		
6.	_____ ҲАБ		
7.	_____ ҲАБ		
8.	_____ ҲАБ		
9.	_____ ҲАБ		
10.	_____ ҲАБ		
11.	_____ ҲАБ		
12.	_____ ҲАБ		
13.	_____ ҲАБ		

«Ўзпахтасаноат»
уюшмаси раиси

(имзо)

(Ф.И.О.)

Бош бухгалтер

(имзо)

(Ф.И.О.)

М.Ў.

Пахта толасини сотишнинг ички ва амалдаги нархлари ўртасидаги ижобий тафовутдан тушадиган маблағларнинг бир қисмини жамлаш ва улардан фермер хўжаликларининг фойдаланиши тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**201__ йил ____ ойида жамланган _____ млн сўм
миқдоридаги ижобий тафовут суммасини «Пахтасаноат»
худудий акциядорлик бирлашмалари бўйича тақсимлаш
ҲИСОБ-КИТОБИ**

Т/р	Худудий акциядорлик бирлашмалари номи	«Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмаси улуши (%)	Ижобий тафовутнинг тегишли бўлган суммаси (млн сўм)
1	2	3	4
1.	ҲАБ		
2.	ҲАБ		
3.	ҲАБ		
4.	ҲАБ		
5.	ҲАБ		
6.	ҲАБ		
7.	ҲАБ		
8.	ҲАБ		
9.	ҲАБ		
10.	ҲАБ		
11.	ҲАБ		
12.	ҲАБ		
13.	ҲАБ		

Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси директори

М.Ў.
Бош бухгалтер

(имзо) (Ф.И.О.)

(имзо) (Ф.И.О.)

«Ўзпахтасаноат» уюшмаси раиси

М.Ў.
Бош бухгалтер

(имзо) (Ф.И.О.)

(имзо) (Ф.И.О.)

Пахта толасини сотишнинг ички ва амалдаги нархлари ўртасидаги ижобий тафовутдан тушадиган маблағларнинг бир қисмини жамлаш ва улардан фермер хўжаликларининг фойдаланиши тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

**201__ йил ____ ойида _____ вилояти
(Қорақалпоғистон Республикаси) «Пахтасаноат» ҳудудий
акциядорлик бирлашмасига тегишли бўлган ____ сўм
миқдоридаги ижобий тафовут суммасини пахта тозалаш
корхоналари бўйича тақсимлаш
ҲИСОБ-КИТОБИ**

Т/р	Пахта тозалаш корхоналари номи	Тайёрланган пахта хом ашёсининг умумий қиймати (млн сўм)	Пахта тозалаш корхоналари улуши (%)	Ижобий тафовутнинг тегишли бўлган суммаси* (млн сўм)
1	2	3	4	5
	Ҳаммаси:			
	Шу жумладан пахта тозалаш корхоналари бўйича			
1.				
2.				
3.				
4.				
5.				
6.				
7.				
8.				
9.				
10.				
11.				

* Ижобий тафовут суммаси вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси) бўйича тайёрланган пахта хом ашёси умумий қийматида пахта тозалаш корхоналарининг улушига мутаносиб равишда тақсимланади.

«Пахтасаноат»
ҲАБ раҳбари

(имзо)

(Ф.И.О.)

М.Ў.

Бош бухгалтер

(имзо)

(Ф.И.О.)

Пахта толасини сотишнинг ички ва амалдаги нархлари ўртасидаги ижобий тафовутдан тушадиган маблағларнинг бир қисмини жамлаш ва улардан фермер хўжаликлари фойдаланиши тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

**201__ йил ____ ойида _____ пахта тозалаш
корхонасига тегишли бўлган _____ млн сўм миқдоридagi
ижобий тафовут суммасини фермер хўжаликлари
бўйича тақсимлаш
ҲИСОБ-КИТОБИ**

Т/р	Фермер хўжаликлари номи	Тайёрланган пахта хом ашёсининг умумий қиймати (млн сўм)	Фермер хўжаликлари улуши (%)	Ижобий тафовутнинг тегишли бўлган суммаси* (млн сўм)
1	2	3	4	5
	Жами:			
	Шу жумладан:			
1.	ф/х			
2.	ф/х			
3.	ф/х			
4.	ф/х			
5.	ф/х			
6.	ф/х			
7.	ф/х			
8.	ф/х			
9.	ф/х			
10.	ф/х			
11.	ф/х			

* Ижобий тафовут суммаси туман бўйича тайёрланган пахта хом ашёси умумий қийматида фермер хўжалиklarининг улушига мутаносиб равишда тақсимланади.

Пахта тозалаш
корхонаси раҳбари

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

М.Ў.

Бош бухгалтер

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)